**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг 10 йиллиги олдидан**

# ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

***Академиянинг асосий вазифалари аниқлаб қўйилган. Улар энг аввало қуйидагилардан иборатдир:***

***Давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантли, интеллектуал иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш. Бу Академиянинг асосий вазифасидир.***

**Ислом КАРИМОВ**




## ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР КАДРЛАР МАСКАНИ

Мамлакатимизда Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ замонавий талабларга жавоб берадиган юксак малакали кадрлар масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу борадаги вазиятни тубдан яхшилаш, айниқса раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, замонавий, яъни инсофли, диёнатли, янгиликка интилувчи, ислоҳотчи раҳбар кадрларни тайёрлаш жараёнини режали амалга ошириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига асос солинган эди. Бу эса турли вазирлик, идора, ҳокимликлар раҳбар бўғини ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилиш истиқболларига доир илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштириш заруратидан келиб чиқилганди.

Истиқлол йилларида таълимнинг олий таълимдан кейинги босқичи нафақат аспирантура ва докторантура шаклидаги илмий йўналиш, балки мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, янгича асосда шакллантириш бугуннинг долзарб талабларидан бирига айланди. Ана шу тизимнинг узвий бир қисми бўлган Академия асосан раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш сингари ғоят масъулиятли таълим фаолияти билан шуғулланади.

Шу кунга қадар Академияни 1137 нафар мутахассис битириб чиқди. Айни пайтда уларнинг 600 нафари турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатаётган бўлса, 17 нафари эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва 7 таси Сенат аъзоси.

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда раҳбар кадрлар зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Жумладан, Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби билан бўлиб ўтган учрашувда (2005 йил 7 февраль) сўзлаган маърузасида бугунги кун раҳбари ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай деган эди: **«...бизда давлат — бош ислоҳотчи деган тамойил бор. Бугун шу иборани янгича тарзда, янгича мазмунда қўллаб айтадиган бўлсак, асосий ислоҳотчи давлат ходими бўлиши керак. Ҳозирги кунда ислоҳотлар тақдирини, энг аввало, давлат ва ҳукумат идораларида масъул лавозимда ўтирган одамлар ҳал қилишини, бинобарин, улар шу масалага бевосита жавобгар эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз шарт».**

Жамиятни эркинлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёни Академиянинг ташкилий, ўқув ва илмий-амалий соҳаларини такомиллаштириш борасида муайян чора-тадбирларни амалга оширишни лозимлигини кўрсатди. Академияда Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир»** номли дастурий маърузаси асосида ташкил этилган доимий семинар машғулотлари баҳс-мунозара, фикр-мулоҳазалар билан ўтмоқда. Ушбу муҳим масалани амалга ошириш механизми сифатида Давлат ва жамият қурилиши академияси, Вазирлар Маҳкамаси, турли вазирлик ва бошқа давлат ташкилотларининг мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ жорий йилнинг март ойида «Давлат ва жамият қурилиши академиясида раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-ташкилий ва илмий-тадқиқий соҳаларини янгилаш ва модернизация қилиш Дастури»ни ишлаб чиқди.

Ушбу дастурни тайёрлаш жараёнида олиб борилган мониторинг натижалари бу соҳада бир қатор кечиктириб бўлмайдиган вазифалар мавжуд эканлигини кўрсатди.

**Энг аввало,** Академия ўқув жараёни ташкилий тузилмасини бошқарув ва жамият қурилишини ташкил қилиш соҳасига янада кўпроқ йўналтириш, раҳбар ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва янгилаш зарурати борлиги ойдинлашди.

**Иккинчидан,** ўқитиш тизимида интерфаол ва модуллаштирилган ўқув усуллари кенгроқ қўлланиладиган тизимга ўтиш, кафедралар ва мутахассисликларни бошқарув ва раҳбар кадрларни тайёрлашга йўналтириш, шунингдек, ўқув дастурлари, таълим стандартлари ва олинган билим ҳамда малаканинг амалиётга татбиқ этиш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурати сезилмоқда.

**Учинчидан,** ўқув фанлари тизимига давлат бошқаруви, жамият қурилиши, миллий манфаатлар ва хавфсизликни таъминлаш, бошқарув малакаси, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга тайёрловчи йўналишларга оид янги ўқув фанларини киритиш кераклигини кўрсатмоқда.

**Шунингдек,** асосий ва факультатив фанларнинг дарс соатлари ва юкламасини, бошқарув кадрлар тайёрлаш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уйғунлаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш тузилмасини давлат бошқаруви ва жамият қурилиши муаммоларини назарий-амалий ўрганишнинг бугунги талабларига мослаш лозимлиги долзарб бўлиб турибди. Шу билан бирга илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этишнинг замонавий тизимини ишлаб чиқиш билан бир пайтда, раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини мамлакат миқёсида мувофиқлаштириш, Академияни шу йўналишда давлат идоралари ҳамда ташкилот раҳбарлари учун илмий-услубий ишланмалар, методик қўлланма ва адабиётлар тайёрлайдиган марказга айлантириш вазифаси ҳам бор.

**Яна бир масала** — бу республика бўйича бошқарув кадрлари ва раҳбар ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини тизимли тарзда ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириб бориш, шу билан бирга уларнинг билими, кўникма ва малака даражасини аниқлаш, баҳолаш ва бу борада мустасил мониторинг олиб бориш механизмини ишлаб чиқиш зарурати.

## ЮКСАЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Кейинги йилларда олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жамиятни эркинлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ҳамда миллий хавфсизлик масалаларига бағишланган фанларни ўқув жараёнига киритиш мақсадида «Жамият қурилиши ва миллий манфаатлар» кафедраси, давлат бошқаруви ва жамият қурилишини ташкил этишда замонавий усуллар ва технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилган фанларни умумлаштирувчи «Бошқарувда информацион технологиялар» кафедрасини ташкил этиш масаласи етилган. Магистрлик факультетлари негизида эса «Давлат бошқаруви», «Жамият қурилиши ва ижтимоий бошқарув», «Бизнесни бошқариш», «Иқтисодиётни бошқариш», «Халқаро муносабатлар» ихтисосликлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнида уларнинг илмий-тадқиқот мавзуларини амалиётга янада яқинлаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шу мақсадга йўналтирилган «Давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш», «Ижтимоий бошқарув», «Бошқарув психологияси», «Бошқарув социологияси», «Бошқарувда замонавий ахборот технологиялари», «Раҳбар маънавияти» сингари 12 та янги асосий ва факультатив фанлар ўқув режасига киритилди.

Янги ўқув йилидан ушбу тизимга ўтиш учун ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича доимий семинар доирасида академия тингловчилари, ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотларида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар учун мўлжалланган «Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида» китоби қўлланма сифатида чоп этилди. Кейинги ўқув йили учун киритилган 12 та янги ва такомиллаштирилган 31 та фан бўйича ўқув дастурлари тайёрланди.

Айни пайтда таълим тизимида замонавий технологияларни жорий этиш, тингловчиларнинг касб маҳорати ва билим даражасини баҳолашнинг янги тизимини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнига ахборот материаллари ва тадқиқот ишланмалари тайёрлашни киритиш, магистрлик диссертациялари мавзусидан ташқари тингловчилар учун ярим йиллик ўқув якунларини баҳоловчи курс ишлари ташкил қилиш ҳам долзарб вазифаларимиз сирасига киради.

## РАҲБАР КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шубҳа йўққи, раҳбар бугунги кун талабларига жавоб бериш учун нафақат ўз билим ва малакасини тинимсиз ошириб бориши, балки вақти-вақти билан замонавий тажрибалардан ҳам бохабар бўлиб бориши зарур. Академия худди шу талаблар асосида фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уни замон талаблари даражасига кўтариш бўйича изчил чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш мақсадида «Малака ошириш» факультети ишини йўлга қўйишни режалаштирган. Шу йўналишда муайян тажриба тўплаш, ҳамда дастлабки қадам сифатида «Малака ошириш бўлими» ташкил этилди.



Бундан ташқари, факультетни ташкил этиш зарурати бугунги тезкор даврда, мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат ва тижорат тузилмалари раҳбар-мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик бирлашмаларининг вакилларини касбий қайта тайёрлаш, малакасини ошириш эҳтиёжлари билан ҳам боғлиқ. Мазкур факультет раҳбар кадрларни замонавий бошқарув технологиялари билан қуроллантиради, назарий билим ва тажрибаларини бойитишга хизмат қилади.

## ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАР — АМАЛИЁТГА

Президентимиз Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиш маросимида Академияни янги тафаккур шаклланадиган, юртимизда ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказга айлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Бу борада раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид муаммолар бўйича илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш ниҳоятда муҳимдир.

Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ғоят муҳим вазифалардан келиб чиқиб, Академияда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

— давлат ва ижтимоий қурилишни ҳамда иқтисодиётни янада ривожлантириш, психология ва социология соҳаларида илмий-тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, кадрлар сиёсати юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар тайёрлаш.

Академияда ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда «Илмий бўлим» ташкил этилиб, унинг негизида «Илмий-амалий тадқиқотлар маркази» шакллантирилмоқда.

Ушбу марказ нафақат Академия доирасида, балки турли ҳокимлик ва вазирликлар, жойлардаги ташкилот, идоралар билан ҳамкорликда ва улар томонидан раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотларни мувофиқлаштиришга, эришилган натижаларни мамлакат миқёсида қўллаш бўйича йўл-йўриқлар ишлаб чиқишга хизмат қилади. Марказда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларида ахборот таъминотини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳалари бўйича дастурлар, лойиҳалар, моделлар ва концепциялар, давлат ва жамият қурилиши муаммолари бўйича илмий ва ахборот-таҳлил материаллари ишлаб чиқиш, шунингдек, монографиялар, дарсликлар ҳамда услубий қўлланмалар яратиш назарда тутилган.

Кейинги йилларда Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларининг магистрлик диссертациялари мавзу ва йўналишлари ҳам жиддий таҳлил қилиниб, уларни амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада ҳаётдан узоқ ва кўпроқ назарий масалаларга бағишланган мавзулар ўрнига, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, туб ўзгаришлар, тингловчининг ўзи мансуб бўлган соҳа, вазирлик, ҳокимлик, идора ёки бошқа турдаги ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ мавзулар диссертацияларнинг тадқиқот объекти сифатида белгиланмоқда.

Масалан, бирор туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича масъул ходими синовлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинди дейлик. Ушбу тингловчига мазкур туманнинг келгуси йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш, шу асосда дастур тузиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ мавзу берилади. Тингловчи эса ўқув амалиётини бевосита ўша жойда ўтказади ва туманнинг тараққиёти билан боғлиқ масалалар устида тадқиқот олиб боради. Ўқув йили сўнггида унинг тайёрлаган диссертацияси туман ҳокимлигида кенгайтирилган очиқ семинарда дастлабки муҳокама ва ҳимоядан ўтказилади.

## МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИ

Аввало шуни айтиш лозимки, Академиянинг ўқув-ташкилий тузилмасини модернизациялаш ва такомиллаштириш — олдимизга қўйилган вазифаларни тез ва юксак савияда бажариш имкониятини яратади. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларининг сифат даражасини кўтаришга, қолаверса, илмий-тадқиқотлар жараёнини амалиётга яқинлаштириш ҳамда ҳар бир ходимни ўз вазифасига нисбатан масъулият билан ёндашишига олиб келади.

Бундан ташқари, модернизациялашган ўқув жараёни давлат бошқаруви ва сиёсати борасидаги илғор хорижий тажрибалар тўғрисида ҳам мукаммал маълумот олишга, ўқитишнинг такомиллашувига, илмий-тадқиқот ишлари ва магистрлик диссертацияларининг илмий-назарий жиҳатдан мукаммаллашувига шароит яратади. Шунингдек, ушбу соҳадаги концепциялар, лойиҳалар, дастурлар, тавсияномаларни экспертизадан ўтказиш имконини беради.

Малакали раҳбар кадрларни тайёрлашга ихтисослашган мутахассислар илмий салоҳияти ҳам ниҳоятда юқори бўлмоғи лозим. Бу ишни фақатгина Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ манфаати йўлида фидойи бўлган, замонавий раҳбар кадрларни тайёрлашнинг дунё тажрибаси ва миллий анъаналарини яхши эгаллаган, ўз билимини доим ошириб борадиган том маънодаги зиёли инсонларгина уддалаши мумкин. Ушбу талабдан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар ва илмий услубчи мутахассислар таркибини янада яхшилаш, янги жамиятни қуриш учун янгича тафаккурга эга бўлган, Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғояси асосида шаклланган авлод вакилларини бу ишга янада кўпроқ жалб этиш ҳозирги куннинг бош талабларидан биридир.

Айнан шу мезон Академиямиз зиммасига жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизация ва ислоҳ этиш йўлидан собитқадамлик билан бориш масъулиятини юклайди.

**Шавқиддин ҒАНИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси масъул ходими**

# ТАДБИРКОР —

Тарихдан маълум, «тадбиркор», «бизнесмен» атамалари XVI асрдан бошлаб, «мулкдор» тушунчасини англатиб келган. Уларнинг фаолиятига иқтисодчи олим А.Смит ҳам ўз қарашларининг бирида: бизнесмен фойда олиш учун бирор-бир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида таваккалчилик билан иш юритувчи, мулкдор деган мазмунда таъриф берган.

Дарвоқе, тадбиркорлик фаолиятидан кутиладиган мақсад ҳам — соддароқ қилиб айтганда, ўз меҳнат фаолиятини бозор талабларига мослаштириш, харидорбоп моллар ишлаб чиқариш ва фойда олишдир. Тадбиркорлик билан шуғулланиш мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ушбу ҳуқуқларини юзага чиқаришда давлат бош ислоҳотчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида **«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

**Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир...»** — деб кафолатлаб қўйилган.

Давлатимиз истеъмолчилар ҳуқуқи устунлиги ва иқтисодий фаолият ҳамда тадбиркорлик эркинлигини муттасил таъминлаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонунида ҳам фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва улар учун тенг шароитлар яратилиб берилиши, шунингдек, субъектларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари тўла кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони қабул қилиниши эса мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар ҳуқуқларини янада такомиллаштиришда дастуриламал бўлди.

Жамиятни демократлаштириш, янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириб, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар эндиликда ўз самарасини бераётганлиги бугун барчага ойнадек равшан.

# «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ

**Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да Мустақиллик байрамига бағишланган анъанавий «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» кўргазма-ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиз кархоналарида ишлаб чиқарилган экспортбоп маҳсулотлар намойиш этилмоқда.**

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқлари ва бой салоҳиятининг ўзига хос кўзгуси бўлмиш шундай кўргазмаларни ўтказиш кейинги йилларда яхши анъанага айланиб қолди. Шуниси қувонарлики, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз етказиб бераётган маҳсулотлари турини йилдан-йилга кўпайтириб, хорижий истеъмолчиларга халқаро талабларга жавоб берадиган тайёр товар ва буюмлар таклиф этмоқда. Буларнинг барчаси Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасидир.

Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, икки йил аввал ўтказилган шундай кўргазмада атиги 17 та кичик ва хусусий бизнес субъекти иштирок этган бўлса, бу йил уларнинг сони тўқсонтага етди. Кўргазмада жами турли мулк шаклига эга бўлган 260 та маҳаллий компания ва фирма қатнашмоқда. Уларнинг 105 таси қўшма корхоналардир.

Мамлакатимизнинг экспорт ва инвестиция салоҳияти электр техника, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, самолётсозлик, автомобилсозлик, қурилиш саноати каби илғор тармоқлар стендларида намойиш этилмоқда. Кўргазма иштирокчилари орасида Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг», «Файз» холдинг компаниялари, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти, «ТТЗ» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «ЎзДЭУавто», «ЎзКейсмаш», «Совпластитал» қўшма корхоналари ҳам бор.

Экспозиция марказий павильон олдидаги майдончадан бошланади. Бу ердан «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонасининг бири биридан гўзал ва қулай «Нексия», «Ласетти», «Матиз», «Дамас» автомобиллари, уларнинг ёнидан «СамКочавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган юк машиналари ҳамда микроавтобуслар, «ТТЗ» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Агрегат заводи», «ЎзКейсмаш» қўшма корхонасида тайёрланган тракторлар, сеялкалар, бороналар, пуркагичлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси жой олган.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий элчихоналар, кўплаб халқаро ташкилотлар, чет эл фирма ва компанияларининг вакиллари бу галги кўргазмада Ўзбекистоннинг экспорт тузилмасида рўй бераётган жиддий ўзгаришлар яққол намоён бўлганини қайд этди. Унда кундан-кунга ривожланиб бораётган рақобат муҳити кузатилмоқда. Аввал мебель саноатида битта ёки иккита экспорт корхонаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда улар билан «Insof-Ri», «Дониёр», «Silver global», «Мебель», «Ориент-мебель» очиқ акционерлик жамиятлари, «Ёшлик» масъулияти чекланган жамият, «Тожиев» хусусий корхонаси каби ўнлаб маҳаллий компаниялар рақобатлашмоқда. Бу корхоналар истеъмолчиларга кўплаб турдаги корпус ва офис мебеллари, уй, мактаб ва болалар муассасалари учун гарнитурлар таклиф этмоқда. Маиший техника ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу техникалар сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди, нархи ҳам анча арзон. «Фотон» очиқ акционерлик жамияти, «Roison elektroniks» қўшма корхонаси, «Sino» очиқ акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган телевизорлар, DVD-тизимлар, музлатгич ва совутгичлар, кондиционерлар бунга мисол бўла олади.

Айниқса кичик ва хусусий бизнес субъектларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш бўйича жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган қарор ва фармонлари ишбилармон кишиларда катта қизиқиш уйғотди ҳамда уларнинг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» номли кўргазмада иштирок этишига ундади. Кўргазмада экспортнинг анъанавий турлари — қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари турли хил саноат товарлари ҳам намойиш этилмоқда. Бундай маҳсулотлар орасида «ПГС» хусусий корхонасида тайёрланган турли нон ёпиш қурилмалари, иситгичлар, мева-сабзавотларни қуритиш мосламалари, «Akvatex» компаниясининг индивидуал ва умумий сув тозалагич тизими ҳамда станциялари, Марғилондаги «Спортчи ТМБ» фирмасининг спорт товарлари, Бухородаги «Мармар» масъулияти чекланган жамиятнинг мармар маҳсулотлари ва бошқа товарлар ажралиб турибди.

Шубҳасиз, кўргазмада намойиш этилаётган турли хил маҳсулотлар Ўзбекистоннинг ишбилармон доиралари ҳамда хорижликларда катта қизиқиш уйғотади ва улар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланишига ёрдам беради.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**ЎзХДП янгиликлари**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва Марказий Кенгашнинг III пленуми қарорлари партиянинг **Сирдарё вилоят кенгаши** қуйи ташкилотларида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу муҳим тадбир мунозара, учрашув, савол-жавоблар тарзида ўтказилаётгани партия ҳужжатларини ўрганувчиларга қўл келаётир. Ўтган ҳафтада бундай тадбирлар вилоятнинг Сайхунобод, Боёвут, Оқолтин, Ховос, Гулистон туманларида бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис Сенати аъзолари Ҳ.Ортиқбоева, Б.Абдураимовлар иштирок этдилар.

**Оқолтин туман кенгаши** марказий шифохонада уюштирган учрашув тиббиёт ходимлари ва хизматчиларида катта таассурот қолдирди. Учрашув сўнггида партияга аъзо бўлиш истагини билдирган 26 нафар тиббиёт ходими ЎзХДП сафига қабул қилинди ва уларга тантанали равишда партия билетлари топширилди.

**Жиззах вилоят кенгаши** тиббиёт билим юрти фаоллари ва талабалари билан партиямизнинг V қурултойи қарорларини амалга оширишга бағишланган давра суҳбати ўтказди. Унда вилоят кенгаши раиси Т.Аҳмедов тадбир иштирокчиларига партия ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб, саволларга жавоб берди.

**Наманган вилоят кенгаши** вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда «Сиёсат майдонида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» мавзусида тадбир ўтказди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Раҳимова, Ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи М.Оппоқов иштирок этдилар.

**Андижон шаҳар кенгаши** бошланғич партия ташкилотларида белгиланган жадвал асосида ЎзХДП янги Дастурини ўрганиш ва тарғиб этиш ишларини фаол амалга ошираётир. Бундай тадбирлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 3-сон туғуруқхона, вилоят халқ таълими бошқармаси ва Саъдий номли, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтди. Партия янги Дастурини ўрганиш жараёнида хайрихоҳлардан 15 киши Халқ демократик партиясига қабул қилинди.

**Марҳамат туман кенгаши** ташаббуси билан М.Тожибоев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги чегарага туташ маҳаллалар аҳолиси ўртасида «Огоҳлик — тинчликни кафолатлайди» мавзуида суҳбатлар ўтказилди. Шундай тадбир Бобохуросон маҳалласида ҳам бўлиб ўтди.

**Олот туман кенгашида** ХДП фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия V қурултойи ва Марказий Кенгаш III пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Сергели туман кенгаши** ташаббуси билан Шукур Бурҳонов маҳалласида «Оқила аёллар» гуруҳи ташкил этилди. Унга турли мутахассисликка эга бўлган 40 нафарга яқин хотин-қиз бирлашдилар. Гуруҳ аъзолари маҳаллада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни турли диний экстремистик оқимлар таъсиридан сақлаш, хотин-қизларнинг тиббий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. «Оқила аёллар» гуруҳининг дастлабки йиғилишида гуруҳнинг иш режалари белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева, Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Шавкат Файзиев, «Шарқ аёли» жамғармаси раиси Саодат Турсунбоева қатнашдилар.

**Ўзбекистон ХДП**
**Марказий Кенгаши**
**матбуот хизмати**

# БУ, МУЛКДОР

## УНИНГ ЭРКИНЛИГИ ТЎЛА КАФОЛАТЛАНГАН. ЛЕКИН, ЭНДИЛИКДА У ЎЗ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДА ТАШАББУСКОР БЎЛМОҒИ КЕРАК...

Масалан, 2004 йилда республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоқлари сони ошиб, уларга тегишли корхоналар 14 фоизга кўпайди. Биргина хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 425 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларни ялпи ички маҳсулотдаги улушлари 35,5 фоизни ташкил этди. Шубҳасиз, бу натижаларга эришишда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларига кенг шарт-шароитлар яратилиб берилганлиги ва уларни давлат рўйхатига олиш жараёнлари, ишлаб чиқарган маҳсулотлари ҳамда хизматлари турларини сертификатлаштириш тартиблари унификация қилинганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Бизга аёнки, кейинги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида хусусий бизнес, тадбиркорлик фаолиятлари учун макро ва микро иқтисодий муҳит тобора кучаймоқда. Буни хорижий экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Аммо, ҳали кечаги кунга қадар эришилаётган ютуқлар билан бирга баъзи камчиликларимиз ҳам бор эди. **Биринчидан,** давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашуви ва етказилган зарар учун тадбиркорларга жазо чоралари бемаврид (ноқонуний) қўлланиши — уларнинг самарали ишлашлари учун тўсиқ бўлиб келаётганди. Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони эса бу борада тадбиркорларга кафолатли ҳимоя бўлди. Уларнинг фаолияти энди давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатларидан қонунан муҳофаза этилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари **хўжалик суди** ёки **ҳакамлар суди** томонидан кўриб чиқилиши ҳам тадбиркорлик фаолиятининг янада такомиллашувида ва адолат устунлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бу мамлакатимизда эндиликда ҳуқуқий маданият асослари яратилаётганидан далолатдир.

**«Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши,** — деган эди Президентимиз **«Ўзбекистон: буюк келажак сари»** китобида. — **давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Зеро, қонунлар инсон онгига сингиган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади».**

Шу ўринда айтиш керак, бугун биз ҳуқуқий демократик жамиятда яшар эканмиз, энг аввало, жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгилаб берувчи мезонлар ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Бу мезонлар — омманинг қонунлар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан нечоғли назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қай даражада иштирок этиши каби қамровлардан иборат бўлмоғи керак, деб ўйлайман. Чунки, мустақил юртимизда тадбиркорлик фаолияти бошланган илк кезларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари ҳақида ҳали амалий тажрибалар йўқ эди. Шу боис, мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатлари турли хил асоссиз чекловларга, текширувларга дуч келарди. Бу ҳол уларнинг баъзилари ўз фаолиятларини тугатиб юборишигача олиб келди.

Демак, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар бугун ўз амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, қонунчилик соҳасида ҳам ўзлари ташаббускор бўлиб, ўз хулоса ва таклифларини Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатасига тақдим этиб туришлари керак деб ўйлайман.

**Шаҳрибону ҲАМРОЕВА,**
**Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**

Фармонни ўқиб

---

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни олдидан

# СЎНГГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ

## УНИНГ ҚАБРИНИ ОИЛА АЪЗОЛАРИ 17 ЙИЛ АХТАРИШДИ

1983-89 йилларда собиқ шўро ҳукумати ташаббуси билан Ўзбекистонда ўтказилган қатағон чоғида минг-минглаб ҳамюртларимиз асоссиз қамоққа ташланди. Айримлари тергов қийноқларига бардош беролмай қамоқхоналарда жон берди. Бошқалари эса майиб-мажруҳ бўлди. Собиқ «Пахтатозалашсаноати» вазири Ваҳобжон Усмонов эса отувга ҳукм қилинди. Москвада қамоқда ётган ва отилган Ваҳобжон Усмонов қабрини оила аъзолари 17 йил ахтаришди.

Яқинда қатағон қурбонларидан бири Ваҳобжон Усмоновнинг Москвада қолиб кетган хоки туғилиб ўсган юрти Шаҳрихонга олиб келинди. Ҳарқалай, салкам йигирма йилдан сўнг турмуш ўртоғи, фарзандлари ва туғишганларининг кўнгли бироз бўлсада таскин топгандай бўлди.

«Бир кун мажлисдан тушкун кайфиятда келдилар-да, менга, «Ҳабиба, «партбилетим»ни олишди. Тушунмадим, нега бундай бўлди», дедилар,— деб эслайди ўша машъум кунларни Ҳабиба ая. — Дадаси, хотиржам бўлинг, сиз барибир барчага ибратсиз. Ичи қора одамларнинг иши бўлса керак, парво қилманг, деб кўнглини кўтардим. Бир неча кун ўтгач, ишга кетатуриб, хайрлашиш олдидан «Ҳабиба, пул борми?», деб сўрадилар. Уйда 12 сўм пул бор эди, бердим. Олаверинг десам, беш сўмини олдилар-да, қолганини қайтардилар. Пастда хизмат машинаси турарди. Икки кун ўтиб ҳам уйга келавермагач, ишхоналарига бориб, совуқ хабар эшитдим. Ўша куни эрталаб уйимиз олдида уларни пойлаб туришган экан.

Кейин мени, болаларимни ҳам олиб кетиб, алоҳида-алоҳида изоляторларга солишди. Иккала кичик боламнинг иссиғи кўтарилиб, ётиб қолди. Бизни ҳар куни ранги совуқ терговчилар сўроқ қилишарди. Пулни қаерга яширгансанлар, айтсанг қўйиб юбораман, айтмасанг эрингга ўхшаб қамаласан, дейишарди. Бу дўқ-пўписалар, ҳақоратлардан адойи тамом бўлдик.

Изолятордан чиқиб келганимдан сўнг уйимиз қайта тинтув қилинди. Идиш-товоқ, ердаги гиламларгача олиб кетилди. Энг ёмони, фарзандларимга ўтказилган тазйиқларнинг адоғи йўқ эди. Лолахон қизим ТошМИда аъло баҳоларга ўқирди. Уни аълочилар сафидан ўчиришди. Институтни тугатган Аҳмаджоннинг ишга жойлашиши муаммога айланди.

«Десантчилар» томонидан ҳақоратланишлар етмагандай, ён қўшнимиз, катта идоралардан бирининг ходими, уйимизни алмаштириб олиш ҳаракатига тушиб қолди. Вақтида ўзини яқин олиб юрганлар кўрсатган кароматлари, оқибатсизликлар юрагимга оғир жароҳат солди. Шундай тубан кимсалардан худо ўзи асрасин экан!

Ваҳобжон акани Москвада тергов қилишарди. Бир гал ўғлим Аҳмаджон билан бориб, минг азоб билан учрашдик. Туҳматнинг умри узоқ бўлмайди, худо хоҳласа бу кунлар ҳам ўтиб кетар, деб кўнглини кўтармоқчи бўлдим. Москвадан қайтгач, дадаси севинсин учун болагинамни мажбуран, зудлик билан бир ҳафта ичида уйлаб қўйдик. Яна қайтиб бориб, «Дадаси Аҳмаджонни уйладик, барча дўстларингиз келиб тўйга «бош-қош» бўлишди», дедим. Ўшанда юзимга тик қарадилар-да, мийиғида кулиб, хўрсиниб қўйдилар. Чунки ёлғон гапирганимни юраги сезиб турарди. Сабаби, остонамиздан бironта инсон ҳатлаб киришга қўрқарди. Суднинг охирги куни учрашганимизда: «Аяси, болаларимга айтинг, мен ҳеч кимдан қарздор эмасман. Бемалол қаддиларини тик тутиб, бошларини кўтариб юришсин», дедилар. Бу гаплари охиргиси экан.

Ўша кезларда бу сўзларни эшитиш қанчалик оғир бўлмасин, чидадим. Ич-ичимдан куйиб йиғласам-да, билдирмасликка ҳаракат қилдим. Яхши ният қилайлик, адолат бор тепада, дея далда бердим. Суд ҳукм ўқишидан олдин у кишига охирги сўз берилди. Суд ҳайъатига қарата: «Нима жазо муносиб бўлса, мени жазоланглар, аммо қамоқда ётган бошқа ўзбекларни озод қилинглар, уларда айб йўқ. Сўнгги илтимосимни инобатга оласизлар деган умиддаман», дедилар. Залда жонланиш, шивир-шивир бошланди».

Афсуски, собиқ СССР прокурори ёрдамчиси Голев ҳамда собиқ СССР Олий суди аъзоси Тихомиров раислигидаги суд ҳайъати суд мажлиси бошланишиданоқ Ваҳобжон Усмоновнинг қонуний ҳуқуқларини паймол қилишди. У ўзбек миллатига мансуб ҳимоячи сўраганида, илтимоси қаноатлантирилмади... Ваҳобжон Усмонов 1986 йилнинг августида собиқ СССР Олий суди томонидан отувга ҳукм этилди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг «пахта иши» баҳонасида ноҳақ айбланганлар қатори Ваҳобжон Усмоновга тааллуқли «жиноят иши» ҳам қайта кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми собиқ СССР Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 1986 йил 25 августда чиқарган ҳукмининг Ваҳобжон Усмоновга тегишли қисмини бекор қилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-модда 2-бандига асосан унинг ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ, деб топди.

— Укам туфайли чеккан изтиробларимиз ҳалигача ўз таъсирини кўрсатмоқда. Асабларимиз тамом бўлди, уйқусизлик касалига йўлиқдик. Ҳар куни прокуратурада катта «жиноятчи»лардай тергашди. Ҳаттоки, қўшниларимиз билан кўришолмасдик, — дейди Ваҳобжон аканинг акаси Тоживой Усмонов ва сингиллари Муқаддамхон опалар. — Туҳмат тоши ҳаммамизнинг оиламизга отилди. Уйларимиз тинтув қилинди. Ҳамма биздан мажбурий тарзда «юз» ўгирди. Бу кўргуликлар етмагандай, укамиз Анваржоннинг ҳам дарди қўшилди. Беш йил Москвада акасининг «думи» сифатида қамоқни ўтаб, қолганини Тошкентда давом эттирди. Жазони ўтаб чиққач, уни ҳеч қаерга ишга олишмади...



— Аввало, бизни қўллаб-қувватлаган Президентимиз Ислом Каримовдан миннатдормиз, — дейди Ҳабиба ая. — Юртбошимиз раҳбар бўлиб келганларидан сўнггина барча қатағон қурбонлари оилаларига бўлган каби бизнинг оиламизга нисбатан ҳам муносабат ўзгарди. У кишининг 2003 йил 30 август Олий Мажлис сессиясида айтган сўзлари хотирамда бир умр муҳрланиб қолди: «1986 йилда собиқ СССР Олий суди собиқ Ўзбекистон Республикаси «Пахтатозалашсаноати» вазири Ваҳобжон Усмоновни ноқонуний тўплаб олинган сохта гувоҳлари асосида ўлим жазосига ҳукм этган эди, ҳукм ижро этилгач, орадан 12 йил ўтгач, 1998 йилда Усмоновнинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли у батамом оқланиб, ҳаракатдан қолдирилди.

Битта саволга жавоб тополмай, тушунолмайман. Инсон ўлимга ҳукм қилинса, унинг апелляцияси ва кассацияси бор, уни қайта кўриши бор. Инсонни бугун суд қилиб, эртага отиб ташлаш... Бунинг тагида кўп гап бор. Буни билмаган одам билмайди».

Бугун Шаҳрихон пахта тозалаш корхонаси Ваҳобжон аканинг номлари билан аталмоқда.

— Дадамнинг хокини олиб келиш учун Москвага борганимда узунлиги 200 метр, етти қаватли архив биносини қидириб топдим, дейди Ваҳобжон Усмоновнинг ўғли Аҳмаджон Усмонов. — У ерда ўтирганларнинг, айниқса, раҳбарининг ранги совуқлигини айтмайсизми? Ноҳақ отилганлар руҳи ўз таъсирини ўтказган назаримда. Ўша архивнинг уч қаватида турли миллат вакилларидан ўн миллиондан ортиқ кишининг рўйхати, ўлими ҳақида варақа сақланар экан. Ҳар бир инсонга икки варақ қоғоз ажратилган, холос. Ўн миллиондан ортиқ инсон тақдири бор бу ерда! Бу рақамлар ортида қанчадан-қанча фарзандлар, аёллар дод-фарёди, қанчалаб бегуноҳ қатл этилган инсонларнинг руҳи ётибди.

Яқинда дадамни тушимда кўрдим. Оппоқ кийинган, кулиб туриб, бош бармоқларини кўрсатиб, «ўғлим, зўр бўлди-да», дедилар-у ғойиб бўлдилар. Тўғриси, тушимда бўлса-да, суҳбатлашганимдан қувондим, руҳлари шод бўлганини билдим. Мустақиллик шарофати билан дадамнинг руҳи ёнимизга қайтганига шукрона айтдим.

Шаънига ноҳақ тамға босилган инсонларнинг номларини яқинларига қайтариб берган шу кунлардан беҳад миннатдормиз. Мустақиллик тарихий ҳақиқатни, адолатни тиклаши билан ҳам қадрли ва улуғдир...

**Гулсара МАРДОНОВА**

---

XORIJDA

## КОНСТИТУЦИЯ БОРАСИДАГИ ТОРТИШУВЛАР

Ироқдаги сиёсий гуруҳлар мамлакатнинг янги конституцияси юзасидан музокараларни бошлашди. Конституциянинг янги лойиҳаси парламент аъзолари ҳукмига ҳавола этилади.

Янги қонундаги баъзи моддалар бўйича сиёсатчилар орасида келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Якшанба кунги музокаралар ана шу келишмовчиликларни ҳал қилиш билан ўтди.

АҚШнинг Ироқдаги элчиси Залмай Халилзод музокаралар давомида томонлар бир қатор масалалар бўйича келишиб олишганини таъкидламоқда. Унинг айтишича, қонунни қабул қилишдаги энг баҳсли муаммолардан бири — диний уламоларнинг ўрни масаласидир.

Сунний мазҳабидаги сиёсатчилар Ироқда федератив бошқарув жорий этилишга рози эмаслигини билдиришди.

## ҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ НОАНИҚ



Грецияда Кипрга тегишли самолёт ҳалокатга учради. Бортдаги 115 йўловчи ва олти нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлди. Йўловчиларнинг 48 нафари ёш болалар эди.

Греция мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига кўра, ҳалокат самолётда кислород таъминоти ёки босимни назорат қилувчи тизим ишдан чиқиши оқибатида рўй берган. Бироқ мутахассисларнинг фикрича, самолёт кабина ва салоннинг герметизацияси бузилгани туфайли йўловчилар осмондаёқ музлаб қолган. Самолёт ҳалокати эса кейин содир бўлган.

## КЎЧИРИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

Ғазо минтақасидан яҳудийларни кўчириш жараёни бошланди.

Душанба куни эрталабдан Ғазо минтақасида қўним топган яҳудийларга хабарномалар тарқатиб чиқилди. Унда айтилишича, турар-жой эгаларига уйларини ташлаб кетиш учун 2 кун муҳлат берилади. Агар кимда ким бунга буйсунмаса, чоршанба куни уларни мажбуран кўчириш бошланади. Чоршанба кунидан эса Исроил фуқаролари Ғазо минтақаси ҳудудида яшаш ҳуқуқини йўқотади.

Кўпчилик ўз уйларини бундан анча олдин ташлаб кетишган эди. Лекин ҳали бу ерда буйруқни бажаришдан бош тортаётган бир неча минг исроиллик бор.

Ҳозирда Фаластин хавфсизлик кучларининг 7500га яқин ходимлари турар-жойлар яқинидаги позицияларни эгаллашган. Улар фаластинликлар томонидан исроилликларга қарата ўт очилмаслигини таъминлаш учун сафарбар этилган. Бундан ташқари улар исроилликлар ташлаб кетган жойларга фаластинликлар кириб олмаслигини ҳам назорат қилишади. Исроил томонидан тартибни сақлаш учун 40 минг ҳарбий жалб этилган. Икки томон ҳам «ажралиш» жараёни тинч ўтиши учун барча воситаларни ишга солишган.

## ЯНГИ ҲУКУМАТ



Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод парламентга янги вазирлар маҳкамаси таркибини тақдим этди. Энг асосий вазирлар унинг маслакдошлари, яъни консерваторлардан тайинланди.

Якшанба куни Теҳрон «АҚШ Эронга қарши куч ишлатадиган бўлса катта хатога йўл қўйишини» маълум қилди. Бу баёнот АҚШ президентининг Эронга қарши куч ишлатилиши мумкинлиги ҳақидаги гапига жавоб бўлди.

АҚШ президенти Бушнинг айтишича, вужудга келган зиддиятли жараёндан чиқиш учун дипломатик йўллар қидирилмоқда. Бироқ у бундай йўл топилишига унча ҳам ишонмаётганлигини билдирди.

Эронга қарши куч ишлатилиши мумкинлиги ҳақидаги хабар кўпгина сиёсатчиларни ўйлантириб қўйди. Жумладан, Германия канцлери Герхард Шрёдер ўз сайловолди кампаниясини Теҳронга қарши куч ишлатилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги баёнот билан бошлади.

— Келинг, бу масалани куч ишлатиш йўли билан ҳал этишни унутайлик. Биз бу йўл кутилган натижани бермаслигига амин бўлганмиз, — деди канцлер.


BANK XALQ BANKI
Давлат-тижорат

# ХАЛҚ БАНКИ

**хизмат турларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар ва хўжалик субъектлари ДИҚҚАТИГА!**

Халқ банкига ишонч билдириб омонат ҳисоб варақларини очган ва ҳамкорлик қилаётган барча мижозларга самимий миннатдорчилик изҳор этган ҳолда қуйидагиларни маълум қиламиз:

*Халқ банки муассасаларида омонатчилар олдидаги мажбуриятларни бажармаслик мижозларни депозит ҳисоб рақамларидан ҳамда пенсия, нафақа, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган барча тўловларни нақд пулда узлуксиз бериб борилишини таъминлашдаги қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида барча эътирозларни қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали хабар беришингизни сўраймиз.*

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»**

банкнинг Бош офисида ва барча ҳудудий филиалларида ташкил этилган.

| Бош банкда | (8-371) 173-89-44; 173-69-18; 78-28-88 |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикасида | (3612) 24-16-54 |
| Андижон вилоятида | (37422) 2-16-52; 2-16-49 |
| Бухоро вилоятида | (36522) 3-74-14 |
| Жиззах вилоятида | (37222) 6-39-22 |
| Қашқадарё вилоятида | (37522) 1-11-12 |
| Навоий вилоятида | (43653) 2-01-85 |
| Наманган вилоятида | (36922) 6-30-72 |
| Самарқанд вилоятида | (3662) 34-37-99 |
| Сурхондарё вилоятида | (37622) 2-76-75 |
| Сирдарё вилоятида | (3672) 25-28-82 |
| Тошкент вилоятида | 173-95-02; 78-97-90 |
| Фарғона вилоятида | (37322) 4-57-59; 4-59-24 |
| Хоразм вилоятида | (36222) 6-57-14 |
| Тошкент шаҳрида | 45-35-43 |

**Банк фаолиятига путур етказиб, хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётган ходимларга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.**



Республика акциядорлик-тижорат

# «ҒАЛЛАБАНК»

**хизмат турларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар ва хўжалик субъектлари ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкдаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 9 августдаги 1039-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида РАТБ «Ғаллабанк» тизимида ташкил қилинган

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»:**

**Тошкент шаҳрида:**

| | |
|---|---|
| *Бош банк* | *(8-371) 136-74-30* |
| *Амалиётлар бошқармаси* | *(8-371) 132-16-55* |
| *Тошкент вилояти минтақавий филиали* | *(8-371) 133-41-34* |
| *Қорақалпоғистон Республикаси* | *(8-36122) 3-72-18* |

**Вилоятларда:**

| | |
|---|---|
| *Андижон вилояти* | *(8-3742) 22-23-69* |
| *Бухоро вилояти* | *(8-3652) 23-58-86* |
| *Жиззах вилояти* | *(8-3722) 6-22-98* |
| *Қашқадарё вилояти* | *(8-375) 221-18-65* |
| *Навоий вилояти* | *(8-436) 224-98-01* |
| *Наманган вилояти* | *(8-3692) 26-77-90* |
| *Самарқанд вилояти* | *(8-3662) 22-39-83* |
| *Сурхондарё вилояти* | *(8-37622) 7-51-67* |
| *Сирдарё вилояти* | *(8-3672) 25-23-75* |
| *Фарғона вилояти* | *(8-3732) 22-56-64* |
| *Хоразм вилояти* | *(8-3622) 27-27-90* |

**РАТБ «Ғаллабанк» матбуот хизмати**

